

AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

ISSN 2181-8150

Илмий-амалий журнал

№2. 2023



18-бет

ГИЛОС ПАШШАСИГА
ҚАРШИ ТУРЛИ
ТУТҚИЧЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ
ИМКОНИЯТЛАРИ

26-бет

ПОЛИЗ ҚЎНҒИЗИГА ҚАРШИ
БИОПРЕПАРАТЛАРНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ



32-бет

КЛЯСТЕРОСПОРИОЗ –
ЎРИКНИНГ ХАВФЛИ
КАСАЛЛИГИ



1. Турли нисбатда синалган вариантлар орасида фақат биттасида (1:3) 100% лик самарага эга бўлинди. Нисбат 1:5 қилиб олинганида 20 та қуртдан 1 таси ғумбакка айланишга улгурди; 1:7 бўлганида – 3 таси; 1:10 бўлганида – 9 таси; 1:30 бўлганида эса – 120 тадан 65 таси. Аммо бу ерда иккинчи масала бор.

2. Кушанда хавфини сезган ТП қуртлари “стресс” шароитида бўлиб, муддатидан илгари ғумбакка айланади. Мисол учун, қурт боқилаётган банкаларга бракон кушандасини қўйиб юборгандан кейинги 3-нчи кунда назоратдаги қуртлардан биронтаси ғумбакланмаган бўлсада, бошқа вариантларнинг ҳаммасида ғумбакка айланган қуртлар бўлганлигини кўриш мумкин. Еттинчи кунга бориб, назоратдаги қуртларнинг атиги ярми ғумбакка айланган бўлса, қолган вариантларда тирик қолган қуртлар ғумбакланиб бўлган.

3. Ғумбаклардан капалак учиб чиқиш даражаси тескари пропорцияда содир бўлди. Яъни, назорат вариантыда ғумбакларнинг 82,2% дан капалак учиб чиққан бўлса, кушанданинг нисбати 1:10 бўлганида – 22,5%, 1:20 бўлганида – 18,5%, 1:30 бўлганида эса атиги 6,1% ни ташкил этди. Бу яна бир бор қуртлар тўйинмай эрта ғумбакка айланиб, ҳаётчанлиги паст бўлиб қолганлигидан дарак беради.

Дала шароитида ТП нинг 3-нчи авлодига қарши бракон кушандасини 1 га 15-20 нисбатда тарқатиш 10-нчи кунга бориб 51-63,6% самара кўрсатди.

Олтинкўз ТП нинг қуртларига нисбатан 1 га 30-40 нисбатда тарқатилганида 16-21,7% самара олинди.

Шундай қилиб, таъкидлаш мумкинки, ТП га қарши курашда энг мақбул кушанда – бу бракондир. Уни зараркунанда қуртларига нисбатан 1:15 гача қилиб тарқатиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Хўжаев Ш.Т., Мирзаева М. Тут парвонасига қарши табиий кушандалар самараси //Илмий-амалий анж. мат. тўплами. – ФарПИ, 2011. – 211-214 б.
2. Мирзаева М.А. Тут дарахтларини парвонадан (*Diaphania pyloalis* W.) ҳимоя қилишнинг илмий асосланган тизимини яратиш. – Автореф. дисс. қ/х.ф.н. – Тошкент: ТошДАУ, 2011. – 22 б.
3. Носирова З.Ғ. Тутни парвона (*Glyphodes pyloalis* W.) дан заҳарли бўлмаган воситалар ёрдамида ҳимоя қилиш тизимини яратиш. – Автореф. дисс. ф.ф.н. – Тошкент: ТошДАУ, 2020. – 22 б.
4. Хўжаев Ш.Т. (тахрири остида) Инсектицид, акарицид,биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. – Тошкент: “Узинформагропром”, 2004. – 102 б.

УЎТ:632.754.1.

ЁЎЗАДА УЧРАЙДИГАН ЁСИМЛИКХЎР ҚАНДАЛАЛАР ВА ДОМИНАНТ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ ИНСЕКТИЦИДЛАР САМАРАСИ

Саттаров Наврўз Рўзиевич,
Алланазаров Олимжон Яхшибоевич,
Халимов Раҳматулло Раимович,
Чориева Раъно Жумаевна,
ЎҚЎТИ Сурхондарё филиали.

Аннотация: Мақолада ғўзада учрайдиган ўсимликхўр қандалалар ва ғўза қандаласига қарши Мебраси, 20% н.кук. ва Алпгор, 40% эм.к. инсектицидларининг биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба натижалари берилган. Ёўза қандаласига қарши қўлланган инсектицидларнинг энг юқори биологик самарадорлик кўрсаткичи мос равишда 71,7; 98,1 % га тенг бўлди.

Калит сўзлар: ғўза, зараркунанда, ғўза қандаласи, инсектицидлар, катта дала тажрибаси, биологик самарадорлик.

Аннотация: Пожиратель растений, который обнаружен в хлопчатнике в Масоле, представляет собой Мебрас против клоповника и хлопкового клоповника, 20% н.кук. и Альгора, 40% н.к. Приведены результаты передового опыта по определению биологической эффективности инсектицидов. Самый высокий показатель эффективности биолога инсектицидов против хлопкового клопа составил соответственно 71,7; он был равен 98,1%.

Ключевые слова: хлопок, вредитель, хлопковый клоп, инсектициды, большой полевой опыт, эффективность биолога.

Annotation: Plant eater, which is found in a cotton in Masola, is a Mebras against plants bedbug and cotton bedbug, 20% n.Kok. and Alpgore, 40% em.K. the results of advanced experience on the determination of the biologist effectiveness of insecticides are given. The highest indicator of the effectiveness of the biologist of insecticides against the cotton bedbug was appropriate 71,7; it was equal to 98.1%.

Keywords: cotton, pest, cotton bedbug, insecticides, great field experience, efficiency biologist.

Биламизки, Республикамиз шароитида ғўзанинг вегетатив, генератив органлари билан озикланиб, ғўза ҳосилига зарар етказадиган бир неча турдаги сўрувчи ва кемирувчи

зараркунандалар мавжуд. Булар орасида сўнгги 10-15 йилда ўсимликхўр қандалаларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Шу ҳақда фикр юритсак.

Ѓўзада ғўза қандаласига қарши инсектицидларнинг биологик самарадорлиги
Катта дала тажрибаси, Ангор тумани, ОВХ-28 – 300 л/га, 20.06.2022 й.

Вариантлар	Таъсир этувчи моддаси	Дори сарфи, кг, л/га	10 та ўсимликда қандаланинг ўртача сони, дона						Биологик самарадорлик, %				
			Ишлов- гача	Ишловдан сўнг, кунлар бўйича									
				1	3	7	14	21	1	3	7	14	21
Мебраси, 20% н.кук.	ацетамиприд	0,4	11,7	6,6	5,1	4,0	7,8	-	44,3	60,7	71,7	51,6	-
Алпгор, 40% эм.к.	диметоат	1,0	8,8	0,5	0,2	0,2	0,3	-	94,4	98,0	98,1	97,5	
Назорат (дорисиз)	-	-	8,2	8,3	9,1	9,9	11,3		-	-	-		

Дунёда қандалаларнинг 50000 дан ортиқ турлари рўйхатга олинган. Буларнинг ҳаммаси ҳам зарарли эмас, яримдан кўпи фойдали турлар ҳисобланади. Республикамиз ғўза майдонларида фойдали ва зарарли қандалаларнинг 13 та тури рўйхатга олинган. Зарарли турлардан беда (*Adelphocoris lineolatus* Goeze) ва дала (*Lygus pratensis* L.) қандалалари анча илгари йиллардан маълум бўлиб, уларнинг ғўза ҳосилига зарари иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаганлиги сабабли бу зараркундаларга қарши кураш тадбирларини ўтказишга ҳожат бўлмаган. Бу қандалаларнинг зарарлилик мезони 100 туп ғўзада 120-130 донга тенг бўлиб, ушбу сондан ошса қарши кураш тадбирларини ўтказиш тавсия этилади (Хўжаев, Сулайманов, 2019). Уларнинг сони Республикамиз шароитида айрим даладарда шу миқдордан ошиши мумкин. Лекин аксарият ғўза майдонларида уларнинг сони кам бўлади. Чунки ғўза бу турдаги қандалаларнинг асосий озиқаси эмас. Ўсимликхўр қандалалар аҳамиятининг ортиши Республикамиз учун янги тур ғўза қандаласининг (*Creontiades pallidus* Rambur) мамлакатимизга кириб келиши билан боғлиқ. Олиб борилган фундаментал тадқиқотлар натижасига кўра сўнгги йилларда Сурхондарё вилоятида қандалаларнинг янги тури – ғўза қандаласи пайдо бўлганлиги аниқланди (Хўжаев, Саттаров, Мусаев, 2018).

Ўсимликхўр қандалалар зараридан, хусусан ғўза қандаласи хуружидан Сурхондарё вилояти пахта етиштирувчилари катта азият чекишмоқда. Шу сабабли асосий тадқиқотлар Сурхондарё вилоятида ўтказилди. Бунда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарё минтақавий филиали “Энтомология ва биоусул” лабораторияси илмий ходимлари Ангор тумани “Ҳомкон” ҳудудида жойлашган филиал тажриба даласида ҳамда вилоятнинг бошқа барча туманларида мониторинг олиб боришди. Аниқландики, ғўза майдонларида кўпроқ ғўза қандаласи учрайди. Шу боис қандалаларга қарши кимёвий усулни такомиллаштириш мақсадида изланишларимизни давом эттирдик. Бунинг учун институтнинг Сурхондарё филиали тажриба участкасида ишлаб чиқариш тажрибасини ўтказдик. Мебраси, 20% н.кук. ҳамда фосфорорганик синфи-

га оид Алпгор, 40 эм.к. препаратлари синовдан ўтказилиб, уларнинг самарасига ўзаро қиёсий баҳо берилди. Ишлов беришда ҳаво босими билан пуркайдиган ОВХ-600 пуркагичидан фойдаланиб, гектарига 300 литр ишчи суюқлик сарфланди. Ишловдан олдин ва ишловдан кейинги кунларда мато (дастурхон) усулидан фойдаланиб ҳисоб-китоб ишлари бажарилди. Услубий кўрсатмага асосан ҳар бир ҳисоб кунда препаратларнинг биологик самарадорлиги назорат вариантига нисбатан ҳисобланди (Хўжаев, 2004). Қандалаларга қарши тажриба ўтказилган ҳудудларда кимёвий препаратлар қўлланилганда қуйидаги натижага эришилди (жадвал).

Ѓўза қандаласига қарши Мeбраси 20% н.кук (т.э.м. ацетамиприд) бир гектарга 0,4 л сарф-меъёрда синалди. ишловгача 10 туп ғўзада қандала сони 11,7 дона бўлиб биринчи кундан кейин 6,6 дона, биологик самарадорлик эса 44,3 % ни ташкил қилди. Энг юқори самарадорлик еттинчи кунда кузатилди. Бунда қандала сони 4 дона бўлиб, биологик самарадорлик эса 71,7 % ни ташкил қилди. Кейинги кунларда самара пасайиб бориб 14-кунда 51,6 % ни ташкил қилди.

Алпгор 40% эм.к (т.э.м. диметоат) бир гектарга 1.0 литр сарф-меъёрда синовдан ўтказилди. Ишловгача қандала сони 10 туп ғўзада 8,8 дона бўлиб, биринчи кун ишловдан сўнг биологик самарадорлик 94,4 % ни ташкил қилди. Бу вариантда ҳам энг юқори самара 7-кунда кузатилди ва биологик самарадорлик 98,1 % ни ташкил қилди.

Назорат (дорисиз) вариантида ишловгача 10 туп ғўзадаги қандала сони 8,2 донани ташкил этди ва бу сон кейинги кунларда ортиб борди. Тажриба якунида қандалалар сони 11,3 донани ташкил қилди.

Хулоса шуки, Сурхондарё вилояти шароитида ғўза майдонларида 3 та тур беда, дала ва ғўза қандалалари доминантлик қилсада, булар орасида миқдор жиҳатидан асосий ўринни ғўза қандаласи эгаллайди. Ѓўза қандаласига қарши курашда фосфорорганик кимёвий синфга мансуб инсектицидлар самараси неоникотиноидларга нисбатан юқори ва қандаланинг барча авлодларига қарши курашда етарли самаралидир. Неоникотиноидларни ғўза қандаласининг қишловдан чиққан дастлабки авлодларига қарши қўллаш мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Хўжаев Ш.Т., Саттаров Н.Р., Мусаев Д.М. Зарарли қандала ҳашаротлар ҳақида нималарни билмоқ керак? Илмий-оммабоп очерк. – Тошкент, 2018. -64 б.
2. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, фунгицид ва биологик фаол моддаларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. – Тошкент: «КО-ҲИ-НУР», 2004. –104 б.
3. Хўжаев Ш.Т., Сулаймонов О.А. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари. –Тошкент - 2019. ООО "Янги нашр нашриёти", Б.376.

М У Н Д А Р И Ж А

ЗАРАРКУНАНДАЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Н.ТУФЛИЕВ, Ф.ГАППАРОВ, Ф.НУРЖОНОВ, Ш.АХМЕДЖАНОВ. Зарарли чигирткалар тухум кўзачаларининг ривожланиши	1
Ш.ХЎЖАЕВ, З.НОСИРОВА, М.МИРЗАЕВА. Тут парвонасининг самарали кушандалари.....	3
Н.САТТАРОВ, О.АЛЛАНАЗАРОВ, Р.ХАЛИМОВ, Р.ЧОРИЕВА. Ғўзада учрайдиган ўсимликхўр кандалалар ва доминант турларига қарши инсектицидлар самараси.....	4
X.ABDULLAEVA, A.PARDABOEV. Chakanda o'simligining zararkunandalar tur tarkibi va ularning biologiyasi ...	6
A.XAYTMURATOV, B.XAKIMOV. Dunyo bo'ylab yeryong'oq zararkunandalarining, tur tarkibi, tarqalishi...	9
N.TUFLIYEV, Z.XOLMIRZAYEVA. Gilos pashshasiga qarshi turli tutqichlardan foydalanish imkoniyatlari....	18
M.САФАРОВ, Х.ШУКУРОВ, Н.УТАПОВ, М.ХАШИМОВА. Сурхондарё вилояти шароитида олма ширасининг биозкологик хусусиятлари.....	19
М.АБЛАЗОВА, М.ЗУПАРОВ, Д.ЗУПАРОВА. Иссиқхона шароитида сўрувчи зараркунандалардан ажратилган замбуруғлар ва уларнинг биологик хусусиятлари.....	21
SH.MAXMUDOVA. Mosh ekinida g'o'za tunlamiga qarshi kimyoviy preparatlarning biologik samaradorligi.....	23
D.RO'ZIQULOV, X.ERGASHEVA, X.TO'LAGANOV. Limonda g'ovak hosil qiluvchi kuyaning bioekologiyasi va unga qarshi kurash choralari.....	24
О.АЛЛАНАЗАРОВ. Полиэ кўнғизига қарши биопрепаратларнинг самарадорлиги.....	26
Д.НАМОЗОВ, М.АБЛАЗОВА, М.ЗУПАРОВ. <i>Bacillus thuringiensis</i> энтомопатоген бактерия штаммларини кўпайтириш учун озика муҳитини танлаш.....	28
A.G'OZIBEKOV. O'rmon biotsenozida eribidae (<i>Lymantriinae</i>) oilasi vakillarining populyatsiyalarining zichligi hamda pushtdorliklarini aniqlash.....	30

ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ

О.БАҲРИДДИНОВ, Э.УМУРЗАКОВ. Клястероспориоз - ўрикнинг хавфи касаллиги.....	32
Ш.ХЎЖАЕВ, Ш.СОЛИЕВ. Полиэ экинларини зараркунандалардан ҳимоялаш.....	33
К.ШАРИФОВ, Ш.РИЗАЕВ. Кўчатидан экилган пиёз далаларида бегона ўтларга қарши курашиш тadbirlari.....	35
Ш.ХЎЖАЕВ, Ш.ЗОКИРОВ, С.ХАКИМОВА, Д.НУРМУХАМЕДОВА. Ширин қалампирни ғўза тунлаидан ҳимоя қилишнинг асослари ва усуллари.....	37
X.ERGASHEVA. Issiqxonada yetishtiriladigan ekinlarni parvarishlash hamda zararkunandalardan himoya qilish.....	39
Ф.ЮЛЛИЕВ, Н.ТУФЛИЕВ, М.ИМОМОВА. Сояни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш усуллари.....	40
A.АЛЛАЯРОВ, Ш.КУЧКОРОВ, Н.СУЛАЙМОНОВА. <i>Fusarium oxysporum f. Conglutinans</i> замбуруғининг қарамдош сабзавот экинларига нисбатан патогенлиги.....	44

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК

Т.АБДРАХМАНОВ, З.ЖАББАРОВ, С.БОБОЕВ, Қ.НОРМУРОДОВА, С.МАҲАММАДИЕВ, Ж.АБДУКАРИМОВ, Ш.АБДУЛЛАЕВ. Орол денгизининг қуриган тубида ўсимликларни ўстиришда намликдан самарали фойдаланган ҳолда биотехнологик ёндашувларнинг натижаси.....	46
Г.АБДУЛЛАЕВА, У.РАХМОНОВ, М.ЗУПАРОВ, М.МАМИЕВ. Таркиби целлюлозадан иборат қишлоқ хўжалик чиқиндиларида кўзикорин етиштириш.....	49
М.АРАМОВ, Б.МУҚИМОВ. Ўзбекистон жанубида индау (<i>Eruca sativa</i> Mill.) интродукцияси ва етиштириш технологияси.....	51
Ш.ДУРХОДЖАЕВ, С.ИСЛАМОВ. Патиссон навларини асосий ва тақрорий экин сифатида етиштиришда мақбул экиш муддатларини аниқлаш.....	55
X.ERGASHEVA. O'simliklarning insonlar hayotida tutgan o'rni va ularni asrab avaylash chora tadbirlari.....	57
У.ИСЛОМОВ, Н.НУРМАТОВ, Х.АРАЛОВ, Ў.ХАҚБЕРДИЕВ. Инсон организмга ГМО маҳсулотларнинг таъсири ва аҳамияти.....	60

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК

X.QORJOVOVA, X.ARALOV. Anor mevasi hosilini ko'paytirish.....	62
A.БОРАСУЛОВ. Бодрингнинг истикболли “Жило” нави.....	63
A.БОРАСУЛОВ. Бодринг тизмаларини маҳсулдорлик бўйича комбинацион қобилятини баҳолаш.....	65

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ

М.АЛИМОВ, Қ.БАБАБЕКОВ. Узум етиштириш ва сақлашда омборхона сифатида қўлланиладиган инновацион сўри.....	67
B.ERGASHEVA. Qishloq xo'jalik mahsulotlarini saqlash usullari.....	69
М.МУСАЕВ. Арпа донини қайта ишлаш жараёнларига тайёрлашда турли омилларнинг таъсири.....	70
Н.КОБИЛОВА, И.МУРОДОВА. Влияние однокомпонентного улучшителя окислительного действия на качество хлеба.....	71
Д.АЗИМОВА, Р.ШАДЕНОВ. Атроф-муҳитнинг чиқиндилар билан ифлосланиш муаммолари.....	73